“БОҒБОЛОЛИК КЎКАЛДОШ” ҲИКОЯСИДА ИНКОР ЭТИЛГАН ҚАҲРАМОН ТАЛҚИНИ

М.Шералиева

Мақолада Эркин Аъзамнинг “Боғбололик Кўкалдош” ҳикояси мисолида инкор этилган қаҳрамон мотивининг талқини ўрганилган. Халқ эртакларидаги инкор этилган қаҳрамонлар билан Э.Аъзам ҳикояси қаҳрамони қиёсланган, шунингдек, мотивнинг муаллиф концепциясини ифода этишдаги функциясига диққат қаратилган.

Калит сўзлар: *инкор этилган қаҳрамон, эртак, мотив, инициация, сюжет.*

В статье на примере рассказа «Кукалдош из Богболо» Эркин Агзама исследуется интерпретация мотива отвергнутого героя. Сопоставляются отвергнутые герои узбекских народных сказок и герой рассказа Э.Агзама, также, рассматриваются функции мотива в воплощении авторской концепции.

Ключевые слова: *отвергнутый герой, сказка, мотив, инициация, сюжет.*

On the basis of the story “Kukaldosh from Bogbolo” by Erkin Agzam, the interpretation of the motive of the rejected hero is explored in the article. The rejected heroes of Uzbek folk tales and the hero of E.Agzam’s story are compared, and the functions of the motive in the embodiment of the author’s concept are also considered.

Keywords: *rejected hero, fairy tale, motive, initiation, plot.*

Ёзувчи Эркин Аъзамнинг бир қатор насрий асарларида жамият ёки унинг бир қисми томонидан инкор этилган образлар яратилганки, уларни тадқиқ этиш ёзувчи бадиий концепциясини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай персонажлар қаторида *Кўкалдош* (“Боғбололик Кўкалдош”), *Ўрмонов* (“Совуқ”), *Асқар Шодибеков* (“Отойининг туғилган йили”), *Нуриддин Элчиев* (“Жавоб”), *Жасур шоир* (“Шоирнинг тўйи”), *Бакир* (“Байрамдан бошқа кунлар”), Маймун (“Гули-гули”) каби кўплаб қаҳрамонларни санаш мумкин. Ёзувчининг “Шовқин” романи бош қаҳрамони Фарҳод Рамазон ҳам бир қатор белгилари билан юқорида саналган персонажларга яқин туради.

Мазкур персонажларнинг умумий хусусияти уларнинг атрофдагилар томонидан инкор этилиши бўлиб, бу ҳолатнинг сабаблари ҳар бир асарда ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятига мувофиқ турлича талқин этилади. Хусусан, “Боғбололик Кўкалдош” ҳикоясининг қаҳрамони ҳамма ҳурмат қиладиган ва “яхши одам” ҳисоблайдиган Дониёровнинг никоҳсиз туғилган фарзанди бўлгани учун жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида тан олинмайди. Уни Дониёровнинг укаси ва хотини камситиши, ҳамқишлоқларнинг атай ижикилаб “Отангиз ким? Кимнинг улисиз?” деб сўрашлари етмаганидек, ҳатто ўз онаси ҳам қарғамасдан гапира олмайди. Ўз навбатида атрофдагиларнинг муносабати Кўкалнинг руҳияти ва ташқи қиёфасида из қолдиради: “Кўкал дароз, новчалигиданми, доим энкайиб, алланечук қимтиниб юрар, сиз билан гаплашганда ҳам кўзини ердан узмас эди; авайлаб, оёқ учида одим босарди – шарпамдан биров чўчимасин дегандек, қўрқибгина нафас оларди – бу ҳаводан баҳраманд бўлишга ҳаққим борми дегандек...” [1. 131].

Ўзбек адабиётида инкор этилган қаҳрамонлар образларининг яратилиши янгилик эмас, албатта. Бу каби образларнинг илдизлари халқ оғзаки ижодига, хусусан, халқ эртакларига бориб тақалади. Аксарият эртакларнинг бош қаҳрамони одатда ўгай ўғил ёки ўгай қиз, дастлаб ҳеч ким писанд қилмаган кенжа ўғил эканлиги фикримизнинг далили бўла олади. Бу ҳол нафақат ўзбек халқ эртаклари, балки жаҳон халқлари эртаклари учун универсал ҳодиса бўлиб, рус олими Е.М.Мелетинский “Сеҳрли эртак қаҳрамони” номли тадқиқотида сеҳрли эртакларнинг асосий қаҳрамони сифатида етим бола, ўгай қиз ва кенжа ўғил образларини таҳлил этган [2]. Хусусан, Е.М.Мелетинский сеҳрли эртаклардаги етим бола образи юзасидан кузатишларини шундай хулосалайди: “Қабила-уруғчилик жамиятининг ибтидоий коллективизм ва жўн-гуманистик идеали таназзулига қарши демократик исённи ифодаловчи етим мотиви бадиий эртакнинг шаклланиш маркази бўлиб қолди. <…> ҳинду фольклоридаги етим – жамоанинг табақаланишидан жабр кўрган барча маҳрум этилганлар, камбағал ва айбсиз таъқиб этилганларнинг умумлашма образи” [2. 62 – 63].

Г.Андерсеннинг “Иркит ўрдакча” эртаги сюжетига жаҳон халқлари фолькоридаги инкор этилиш, “ноҳақ қувилиш” билан боғлиқ сюжет мотивлари занжирининг ўзига хос инварианти сифатида қа-

раш мумкин. Мазкур эртак воқеалари давомида кузатиладиган образ тадрижи ва сюжет мотивлари инкор этилган персонаж тасвирланган кўплаб эртакларда у ёки бу кўринишда фаол қўлланган. Бу ҳол ўз навбатида жаҳон халқлари ёзма адабиётига ҳам таъсир этгани аниқ. Бунинг исботи сифатида сентиментализм даври адабиётини бир сидра эслаш кифоя (Ж.-Ж.Руссо. “Юлия ёки Янги Элоиза”; И.В.Гёте. “Ёш Вертернинг изтироблари”). Шунингдек, француз адиби Виктор Гюгонинг “Париждаги Биби Марям ибодатхонаси”, “Кулаётган одам”, “Хўрланганлар” романларида жамият ёки унинг бир қисми томонидан инкор этилган, хўрланган кишилар ҳаёти тасвирлаган. Рус адабиётида эса бу типдаги образларнинг ёрқин намуналарини Ф.Достоевскийнинг деярли барча асарларида учратамиз. Хусусан, адибнинг “Хўрланганлар ва хақоратланганлар”, “Қиёфадош”, “Ака-ука Карамазовлар” асарларида қаҳрамоннинг у ёки бу сабаб билан инкор этилиши (қувилиши, тан олинмаслиги, хўрланиши) сюжет воқеаларидаги асосий ҳалқа вазифасини ўтайди.

Э.Аъзам асарларида инкор этилган қаҳрамонлар образларининг яратилишида ҳам халқ эртакларининг таъсири йўқ эмас. “Боғбололик Кўкалдош” ҳикояси сюжети ўзбек халқ эртакларидаги ўгай ёки кенжа ўғил билан боғлиқ сюжет мотивларини эслатади. Ўгай ёки кенжа ўғил (шунингдек, ўгай қиз) ҳақидаги эртаклар моҳиятан авлодлар алмашинувида кейинги авлод вакили инициациясининг аҳамиятини кўрсатишга хизмат қилади [3]. Сеҳрли эртак оламида сеҳрли кучлар ёрдами билан ўз муносиб ўрнини эгаллашга эришган қаҳрамондан фарқли Э.Аъзам ҳикоясининг қаҳрамони ўз орзусига ҳомийларсиз, ўзининг кучи билан эришади. Одатда халқ эртакларида аксарият ўгай ўғил билан ўгай она зиддияти акс этиб, бунда отанинг пассивлиги яққол кўзга ташланади. Ҳамиша сарҳовуздаги баланд шийпонда ўзи билан ўзи шахмат ўйнаб ўтирадиган “яхши одам” – Дониёровга қарама-қарши ўлароқ Кўкал доимий ҳаракатда берилади. Бажариш мушкул топшириқ билан сафарга юборилган ўгай ўғил (кенжа ўғил) сингари Кўкал ҳам қадр-қимматига муносиб ўринни улғайган муҳитидан ташқарида топади. Бу эса ўз навбатида Кўкалнинг ўз қишлоғи Боғболодаги мақоминнинг ҳам ўзгаришига замин ҳозирлайди. Ҳикоя сўнгида Дониёров вафоти олдидан Кўкални ёнига чорлайди, Кўкал дафн маросимида тобутни Дониёровнинг ўғли бўлиб қабристонгача кўтариб боради, бу эса ҳикоя сюжетида халқ эртаклари мотивларининг такрорланиши ҳақидаги фикримизни яна бир бор далиллайди. Кўкалнинг ҳаракатлари халқ эртакларидаги ўгай ўғил инициациясига тенг қиммат касб этади: эл олдида Кўкални ўғлим деб тан олиш Дониёровнинг қўлидан келмади; Кўкал эса, аксинча, эл олдида Дониёров унинг отаси эканини маълум қилишга эришди.

Ҳикоя давомида муаллиф Кўкалдаги ўзгариш жараёнини ниҳоятда изчиллик билан акс эттиради. Таъкидлаш керакки, қаҳрамондаги ўзгариш ўлим тўшагида ётган Дониёров уни ҳузурига чақиришидан илгарироқ рўй беради. Муаллиф Кўкалдаги инициация жараёнини қадам бақадам шарҳлаб боради. Инициация масаласида Дониёровнинг тўнғичи Камол ва Кўкални қиёслашга имкон берадиган сюжет ҳалқаси борки, у халқ эртакларидаги ака-укаларни қиёслашга хизмат қиладиган мотивларни эслатади. Дастлаб ясситовонлиги туфайли армия хизматидан қолдирилганини эшитган Кўкал учун бу “сен йигит эмассан, хизматга яроқсиз экансан,” дегандек эшитилади. Баҳорда яна қайтадан ҳарбий комиссариатга чақирилган Кўкал “Жўнатсаларинг, энди тўғри Вьетнамга жўнатинглар!” деб юборади мардонасига. Кўкални Дониёровнинг тўнғичи Камолнинг ўрнига хизматга юборишадики, бу тафсилот Камол ва Кўкални қиёслаб, иккинчисининг фойдасига ҳукм чиқаришимизга хизмат қилади. Йигит ёшида ҳам отасининг қаноти остида қолаётган Камол худди Дониёров сингари ўз вақтида инициация жараёнини тўлақонли ўтай олмаган, чинакам эркак бўлиб шаклланмаган одам ҳолида тасаввуримизда қолади.

Ҳикоя сюжети халқ эртакларидаги каби ҳалқасимон хусусиятга эга – сюжет воқеалари бошланган жойига қайтиб келиб якунланади: “Шу-шу, Кўкал яна боғбололикка айланди”. Эртак бошланиши ва охиридаги қаҳрамон ўртасида фарқ бўлгани каби, Кўкал ҳам энди ҳикоя бошланишидаги бечора сағирдан фарқ қилади: “Энди тўй-маърака усиз ўтмайди, у барчасига бел боғлаб, кўкрак кериб хизмат қилади, кўкрак кериб Боғболонинг кўчасини тўлдириб юради. Кўздан қолган битта-яримта мўйсафид: “Кимнинг ули бўласиз, болам?” деб сўраб қолса, дадил жавоб қайтаради:

– Дониёровнинг, бобо!”

Қаҳрамоннинг ҳикоя бошланиши ва охирида берилган портретлари мазкур асарда “Иркит ўрдакча”даги сюжет схемасининг ўзига хос варианти яратилгани ҳақидаги фикримизни яна бир бор далиллайди.

“Боғбололик Кўкалдош”да тирик етим, тан олинмаган фарзанд Кўкал ҳақида ҳикоя қилиш муаллиф учун концептуал аҳамиятга эга. Ёзувчи буни асарга автобиографик унсурларни киритиш билан ҳам урғулашга интилади: “Начора, ўртабўйман – бўйчанроқ бўлишни, қизиққонман – сипороқ бўлишни, ялқовман – серғайрат бўлишни орзу қиламан. Орзу қиламан...

Ахир, боғбололик Кўкалдош ниятига етди-ку!" [1. 141].

Муаллиф ёш ёзувчи сифатида адабиёт майдонидаги ўз ўрнини топиш, эътироф эҳтиёжини сезади, бунинг учун "сипороқ бўлиш", "серғайрат бўлиш"нинг ўзигина етарли эмаслигини ҳис қилади. Зотан, Эркин Аъзамни ижодкор сифатида қизиқтирган нарсалар "адабиётни сув қилиб ичган, қилни қирқ ёрадиган билимдон дўстлар"ни қизиқтирмайди. Шунинг учун ҳам Кўкал ҳақида ёзишни илтимос қилган Нажмиддин тилидан қуйидагиларни ёзади: "Ёзмайсиз, чунки у пахтадан мўл ҳосил етиштирмаган, бирон мансабнинг эгаси ҳам эмас, ҳеч қандай қаҳрамонлик кўрсатмаган, севгиси ҳам китоблардагига ўхшамайди. Лекин, барибир, Кўкал қизиқ, Кўкал ажойиб!" [1. 132]. Шу ўринда таъкидлаш керакки, асарда Кўкал, Нажмиддин ва ҳикоячи образларини умумлаштирадиган бир жиҳат бор – ҳар учаласида ҳам ўзининг мавжуд мақомидан қониқмаслик кузатилади. Қишлоғида яқин бир қариндоши билан гапи қочган, шаҳарга келиб қолган Нажмиддиннинг Кўкалга бўлган меҳри ва мавжуд адабий-эстетик кўникмалардан қониқмаётган ҳикоячи-муаллифнинг Кўкалга ҳаваси орқали ўз мақомидан қониқмаган одамнинг ҳолати акс этган. Ана шу нуқтаи назардан қаралса, "Боғбололик Кўкалдош" ҳикоясидаги инкор этилган қаҳрамон образи муаллиф бадиий-эстетик концепциясини ифодалашда муҳим аҳамият касб этган.

Адабиётлар:

1. Аъзам Э. Олам ям-яшил. Ҳикоялар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – 160 б.

2. Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. Происхождение образа. – Москва: изд-во Восточной литературы, 1958. – 264 с.

3. Ефимкина Р.П. Пробуждение Спящей Красавицы. Психологическая инициация женщины в волшебных сказках. – Санкт-Петербург: Речь, 2006. – 263 с.

4. Пропп В.Я. Морфология сказки. – Москва: Наука, 1969. – 168 с.

Андижон давлат университети,
2019 йил 15 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)